

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Хоразм вилоят статистика

бошқармаси бошлиғи

 X. Мадаминов

“04” 01 2018 йил

## Инвестиция ва курилиш статистикаси бўлими тўгрисидаги

### НИЗОМ

#### 1-боб. Умумий коидалар

Мазкур Низом Хоразм вилоят статистика бошқармасининг Инвестиция ва курилиш статистикаси бўлиммининг (кейинги ўринларда Бўлим деб аталади) мақоми, асосий вазифалари ва функциялари хукуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

1. Бўлим Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини такомиллантириш чора-тадбирлари тўгрисида”ги ПК-3165-сон карорига мувофиқ ташкил этилган ва Хоразм вилоят статистика бошқармасининг (кейинги ўринларда Бошқарма деб аталади) таркибий бўлинмаси хисобланади.

2. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўгрисида”ти конуни ва бошка конунларига, Олий Мажлиснинг норматив карорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, карорлари ва фармойишларига, Вазирлар Мажкамаси карорлари ва фармойиниларига, “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўгрисида”ти Низомга, Хоразм вилоят статистика бошқармаси низомига, мазкур Низомга, шунингдек бошка конун хужжатларига амал киласи.

3. Бўлим инвестиция ва курилиш статистикаси бўйича ахборотларни шакллантириш ва таҳлил қилиш соҳаси бўйича статистика ишларини ташкил этиш бўйича фаолиятини Давлат статистика қўмитаси марказий аппаратининг таркибий бошқармалари, Бошқармасини бўлимлари, туманилар ва шаҳарлар статистика бўлимлари (кейинги ўринларда худудий статистика органлари деб аталади) билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

4. Бўлим ўз фаолиятини вилоят статистика бошқармаси раҳбарлигида амалга оширади.

Бўлим ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича бошқарма бошлигининг биринчи ўринбосарига бўйсунади.

#### 2-боб. Бўлимнинг вазифалари ва функциялари

6. Кўйидагилар Бўлимнинг асосий вазифалари хисобланади:

а) инвестиция ва курилиш статистикаси соҳасида ишлаб чиқитган ягона сиёсатни амалга ошириши, статистикани ташкил этишининг самарали тизимини таъминлаши шунингдек фаолиятни мувофиқлаштириш ва функционал тартибга солиши соҳасида;

инвестиция ва курилиш статистикаси маълумотларидан фойдаланувчиларнинг талабларини ўрганишни хисобга олган ҳолда истиқболли мақсадлар ва йўналишлар бўйича статистик кўрсаткичларни жорий этиб бориши;

Давлат статистика ишлари дастурининг инвестиция ва курилиш статистикасига оид кисми бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва тақдим этиш;

статистик ахборотларниг қулайлиги, очик-ойдинлиги ва ошкоралигини көнгайтирип бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлаш;

инвестиция ва қурилиш статистикаси бўйича статистик ишларни ташкил этишнинг статистик ахборотларини йигиши, қайта ишлаш ва умумлаштириш тартибига давлат органлари хамда маҳаллий ижро хокимияти органларининг хар қандай аралашувини истисно киладиган тизимини яратиш чора-тадбирларини амалга ошириши;

хўжалик юритувчи субъектларга инвестиция ва қурилиш статистикасига оид давлат статистика хисоботи кўрсаткичларини ишончли тақдим этишда хар томонлама кўмаклашиш;

инвестиция ва қурилиш статистикаси бўйича ахборот-статистик маълумотлар базасини шакллантириш, юритиш ва янгилаб бўрипни амалга ошириш, фойдаланувчиларга улардан фойдаланишига доир тушунтиришлар бериш;

олинган статистика маълумотларининг маҳфийлигини, бирламчи хисобот маълумотларидан юридик шахсларнинг фаолиятини, бошка хусусиятларини ёки миқдор кўрсаткичларини расмий тасдиклаш максадида фойдаланишга йўл кўймасликни, давлат сирларига эга бўлган статистика маълумотларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш;

конунчиликка мувофиқ, Бўлим иш фаолияти жараёнида вужудга келган архив хужжатларини саралаш, саклаш, хисобга олиш ва улардан фойдаланиш бўйича ишларни амалга ошириши;

инвестиция ва қурилиш статистикаси соҳасига оид маҳфий статистик маълумотларни ўз ичига олган ахборотларни саклаш ва ҳимоялашнинг тегишли тартибини таъминлаш.

г) белгиланган тартибда давлат органлари, юридик шахслар, ҳалқаро ташкилотлар ва аҳолини инвестиция ва қурилиш статистикасига оид маълумотлар билан таъминлаш соҳасида:

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Давлат статистика қўмитаси томонидан қабул килинган карорлари ижроси юзасидан Бўлим ваколати доирасида йиллик ва чораклик статистик хамда таҳлилий материалларни тайёрлашда иштирок этиш;

инвестиция ва қурилиш статистикаси бўйича очик статистик маълумотларни давлат статистика органлари, бошка давлат органлари, ҳалқаро ташкилотлар нашрларида жойлаштириш учун ва барча фойдаланувчиларга статистик маълумотлардан фойдаланиш учун тенг имкониятлар яратилишини таъминлаш;

оммавий ахборот воситаларида жойлаштириш учун инвестиция ва қурилиш соҳасида юз берәётган ўзгаришларни ифодаловчи таҳлилий маълумотлар, диаграммалар, графиклар ва пресс-релизлар тайёрлаш;

инвестиция ва қурилиш статистикасига оид статистик кузатувлар ва расмий статистик маълумотларни тарқатиш бўйича ташкил этиладиган ахборот-түшунтириш ишларида иштирок этиш.

7. Бўлим ўз зиммасига юкланган вазифаларни бажариш учун қуидаги функцияларни амалга оширади:

давлат статистикаси тизимида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш, фойдаланувчиларнинг вилоятда инвестиция ва қурилиш соҳасини тўлиқ очиб берувчи кўрсаткичлардан эркин фойдаланишларини таъминлайди;

инвестиция ва қурилиш статистикаси амалиётига замонавий ахборот-коммуникация ресурслари ва технологияларини жорий этишини амалга оширади;

инвестиция ва курилиш статистикаси соҳаси бўйича таҳлилий салоҳиятни мустаҳкамлаш; Давлат статистика ишлари дастурининг мазмунини доимий равишда такомиллантириши, унинг вилоят ва шахар ва туманлар ижтимоий-иктисодий ривожланиши, таркибий ва бозор ислоҳотлари, иктиносидиёти тармоқлари ва секторларида ислоҳотларнинг боришини тавсифловчи тегишли максадли кўрсаткичлар билан ўзаро боғлиқлигини ошириш бўйича зарур чораларни кўриш;

давлат статистикаси тамойилларига риоя этилишини ва инвестиция ва курилиш статистикаси соҳаси бўйича халқаро стандартларга мувофиқ бўлган статистик методологиянинг ягоналигини таъминлаш;

ишлаб чиқиладиган норматив-хукукий хужжатлар лойихаларига Бўлим ваколати доирасидаги таклифлар ишлаб чиқишида иштирок этиш.

*б) халқаро стандартларга мувофиқ бўлган инвестиция ва қурилиш статистикаси методологиясини ҳамда давлат статистика кузатувлари шаклларини ишлаб чиқиши, тасдиғлаши ва жорий этиши соҳасида:*

макроиктисодий, тармок ва ҳудудий даражаларда ўрганилаётган ижтимоий-иктисодий жараёнларнинг камровини кенгайтиришга қаратилган инвестиция ва курилиш статистикаси маълумотларини йиғиш ва қайта ишланнинг замонавий методологияси ва методикаларини кенг жорий этиш йўли билан статистик кузатувлар тизимини умум кабул килинган халқаро амалиёт янада мослаштириш бўйича ишларни мувофиклаштириш;

инвестиция ва курилиш статистикаси соҳасида холис, сифатли ва долзарб хисобот маълумотларини тайёрлашни мувофиклаштириш;

инвестиция ва курилиш статистикаси бўйича жамият эҳтиёжларига мувофиқ халқаро меъёрлар ва коидалар ҳамда илмий ишланмаларга асосланган ҳолда ахборотларни тайёрлаш методологиясини, маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, сақлаш, таҳлил килиш ва етказиб бериш тизимини такомиллаштириш;

жамият эҳтиёжларига мувофиқ инвестиция ва курилиш статистикаси соҳасидаги илгор хорижий тажрибани ўрганади, умумлаштиради ва оммалаштириш, халқаро тавсиялар асосида кўрсаткичларни хисоблаш методикаларини доимий равишида такомиллантиришини амалга ошириш.

*в) ижтимоий-иктисодий ҳодисалар, жараёнлар ва уларнинг натижалари тўғрисидаги статистик ахборотларни йиғии, қайта ишлаш, тўплани, сақлаш, умумлаштириши таъзил қилини ва эълон қилиши соҳасида:*

Давлат статистика ишлари дастурининг инвестиция ва курилиш статистикасига онд кисмини бажарилишини таъминлаш;

вилоятни, унинг ҳудудларини, иктиносидиёт тармоқлари ва секторларини ижтимоий-иктисодий ривожлантириши давлат дастурларининг бажарилиши юзасидан давлат статистика кузатувларини Бўлим ваколати доирасида тапкил этиш ва амалга ошириш;

инвестиция ва курилиш статистикаси соҳасига онд давлат статистика хисоботларини электрон кўринишда, зарур ҳолларда қозоқ кўринишида йиғишни ва бошқа кузатувларни ташкил этиш;

инвестиция ва курилиш статистикаси бўйича статистик кўрсаткичларнинг статистик хисобкитобларини амалга ошириши ҳамда дастлабки статистик таҳлилини олиб борини;

инвестиция ва курилиш статистикаси бўйича статистик хисобот кўрсаткичларининг ва ўтказилган танланма кузатувлар натижаларининг тезкорлиги, ишончлилиги ва холислигини,

замонавий ахборот технологияларидаи фойдаланган холда, инвестиция ва қурилиш соҳаси бўйича асосий статистик кўрсаткичларнинг такомиллаштирилган маълумотлар базасининг яратилиши ва юритилишини, унинг мунтазам равишда тўлдирилиб ва янгиланиб борилишини таъминлайди;

инвестиция ва қурилиш статистикаси бўйича ахборотлардан фойдаланувчиларга реал вакт режимида кўрсаткичлардан эрkin фойдаланиш имконини берувчи статистик маълумотлар базасини ишлаб чиқиپда ва юритишда интирок этади;

инвестиция ва қурилиш соҳаси бўйича давлат статистика кузатуви шаклларини электрон шаклда тақдим этиш ва электрон хужжат айланиши тизимини жорий килиш ишларини ташкил этади, бу йўналишда худудий статистика органлари фаолиятини мувофикалаштиради;

Бўлимнинг иш усуллари ва шаклларини янада такомиллаштириши, фукаролар ва юридик шахслар мурожаатларига ўз вактида муносабат билдириш, ходимларнинг юклатилган вазифаларни ўз вактида ва сифатли бажарилиши учун шахсий масъулиятларини опириш соҳасида;

инвестиция ва қурилиш статистикаси соҳаси методологияси, статистик ишларни ташкил этиш ва ӯларни бажариш масалалари бўйича бошкарманинг бўлинмаларига, худудий статистика органларига амалий ёрдам кўрсатади;

Давлаг статистика ишлари дастурига мувофик, Бошкарма раҳбарияти топниргига асосан инвестиция ва қурилиш статистикаси бўйича маълумотлар тайёрлайди;

Бўлимнинг услубий, иктисодий, ташкилий ва статистик ишлари режаларини шакллантиради ва уларнинг ижросини таъминлайди;

Бўлим ўзига юклатилган вазифалар ва функцияларни тўлиқ, ўз вактида ва сифатли бажарилишини Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Махкамаси томонидан белгиланган иктисодиётнинг энг муҳим устивор йўналишларини, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясини, иктисодий ислоҳотларни янада чукурлаштириш, таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш бўйича ишлаб чиқилган дастурларда белгиланган вазифаларни хамда вилоятдаги ижтимоний ва иктисодий ривожланишнинг тенденциясини (холатини) хисобга олган холда таъминлайди.

Бўлим белгиланган тартибда ўзига юкланган бошқа функцияларни хам бажаради.

### **3-боб. Бўлимнинг ҳукуклари ва жавобгарлиги**

8. Бўлим ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қўйидаги ҳукукларга ога:

худудий статистика бўлимлари томонидан инвестиция ва қурилиш статистикаси соҳасида ягона сиёсатни амалга опириш ишларини мувофикалаштириш;

инвестиция ва қурилиш статистикаси соҳасига оид давлат статистика кузатуви шаклларини ўзгартириш ва уларни тақдим этиш тартиби, давлат статистика кузатувларини ўтказни усуллари, давлат ва хўжалик бошкаруви органларининг идоравий статистик кузатув шакллари бўйича тақлифлар бериш;

статистика максадларида давлат ва хўжалик бошкаруви органлари, фукароларнинг ўзини ўзи бошкариш органлари ва бошқа юридик шахслардан (зарурат бўлгандага уларнинг ваколатхона ва филиалларидан) белгиланган тартибда давлат статистика хисоботини олни хамта ундан статистика максадларида фойдаланиш;

инвестиция ва қурилиш статистикаси бўйича юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан, хусусий тадбиркорлар фаолиятининг давлат статистика кузатувларини олиб бориш ва олингап маълумотлардан статистика максадларида фойдаланиш;

Бўлимга юкландган вазифалар, функциялар ва статистик ишларни бажарни максадида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, ташкилотлардан белгиланган тартибда маълумот ва тушунтиришлар олиш;

инвестиция ва қурилиш статистикаси соҳасига оид методик, статистик ишлар ва расмий статистик маълумотлар юзасидан ахборот-тушунтириш ишларини олиб бориш;

инвестиция ва қурилиш статистикаси бўйича маълумот ва кўрсаткичлардан ноўрин фойдаланиш ва уларга нотўғри шарҳ бериш холатларини кўриб чиқин ва улар юзасидан тушунтириш бериш;

қабул қилиб олинаётган статистик маълумотларнинг тўликлилиги, ишончлилиги ва холислигини экспертизадан ўтказиш;

давлат статистика маълумотларида бузилишлар аниқланган тақдирда, уларни бартараф этиш тўғрисида кўрсатмалар бериш ва йигма давлат статистика маълумотларига тегинни тузатишлар киритиш;

инвестиция ва қурилиш статистикаси соҳасига оид масалалар юзасидан халкаро статистика ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш, семинар ва йиғилишларда, шунингдек халкаро семинар ва йиғилишларда иштирок этиш;

инвестиция ва қурилиш статистикаси кузатувларини ташкил этиш ва методологиясини такомиллаштириш бўйича Бошкарма раҳбариятига таклифлар киритиш;

Давлат статистика ишлари дастури, Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастури, Давлат статистика ишлари иш режалари, Бошкарма. Бўлим иш режасининг тузилишини ва мазмуни бўйича Бошкарма раҳбариятига таклифлар киритиш;

Бўлим ваколатига кирадиган масалалар бўйича бошкарма бўлимлари билан ҳамкорлик қилиш;

Бўлим конун хужжатларига мувофиқ бошка ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин.

9. Бўлим куйидагилар учун жавобгар:

ўзига юкландган вазифаларни самарали ва лозим даражада бажарини;

ваколатига кирувчи таҳлилий ва бошка материалларни юкори даражада тайёрлаш;

давлат статистикаси принципларига амал қилиш, илғор халкаро амалиётга мувофиқ фойдаланилаётган усууллар ва методикаларни доимий равишда такомиллантириш;

Бўлим ходимлари томонидан белгиланган норматив-ҳуқукий хужжатларга мувофиқ ижро интизомини таъминлаш.

#### 4-боб. Бўлим тузилмаси

10. Бўлимнинг тузилмаси ўз ичига Бўлим бошлигини, шунингдек:

Бўлим таркибига бўлим бошлиги ўринбосари, бош ва етакчи мутахассислар киради.

11. Бўлимнинг ишига Бўлим бошлиги раҳбарлик киласи.

12. Бўлим бошлиги, Бўлим бошлиги ўринбосари ва мутахассислари Бошкарма бошлиги томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

13. инвестиция ва қурилиш статистикаси бўйича йигма таҳлилий ахборотларини шакллантиришда куйидагиларни амалга оширади:

инвестиция ва қурилиш фаолияти ривожланиши тұғрисида йиллик статистик ва аналитик материалларини тайёрлаш;

олинган статистик маълумотлар асосида иктисодиёт соҳаларининг ривожланиши холати тұғрисидаги таҳлилий маълумотлар ва пресс-релизларни тайёрлаш;

олинган статистик маълумотлар асосида, ҳудудларнинг иктисодий ривожланиши тенденциялари ва даражасини акс эттирувчи таҳлилий маълумотларни тайёрлаш;

ҳудудлар бүйіча инвестиция ва қурилиш статистикаси маълумотларини ўзаро боғликлікта таҳлил килиш;

халкар остатистика ташкилотлари томонидан статистик маълумотларни тарқатишнинг замонавий тенденциялари ва концепцияларини ўрганиш асосида очык статистик-таҳлилий маълумотларни бошкарма веб-сайтда нашир этилиши учун тақдим этиш;

күрсаткышларнинг динамика қаторларини юритиш;

маълумот тақдим этиш ва ахборот-түшунтириш ишларини қўшган ҳолда респондентлар ва маълумотларнинг фойдаланувчилари билан ўзаро ҳамкорлик килиш.

14. Жисмоний шахслар томонидан якка тартибда қурилган уйларни тизимли статистик кузатувлари бүйіча кўйидагиларни амалга оширади:

якка тартибда қурилган уйлар бүйіча танманма кузатувларини олиб бориш, тайёрлаш ва тақомиллаштиришда иштирок этиш;

якка тартибда қурилган уйларни танланма кузатувларни ташкил килиш;

якка тартибда қурилган уйлар кўрсаткышларини ҳисобланува баҳолани, амалдаги статистик маълумотлар билан таққослашни ўтказиш;

худудий статистика органлари билан ҳамкорликни мувофикалантириш;

маълумот тақдим этиши ва ахборот-түшунтириш ишларини қўшган ҳолда респондентлар ва маълумотларнинг фойдаланувчилари билан ўзаро ҳамкорлик килиш;

15. Инвестиция ва қурилиш статистикаси бүйіча бўлим қўйидагиларни амалга оширади:

инвестиция ва қурилиш статистикаси бүйіча ахборотларни шакллантириш ва таҳлил килиш соҳасида Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурига асосан Инвестиция ва қурилиш статистикаси ахборотларини йигини, қайта ишлап, саклаш, жамланш, таҳлил қилиш ва чоп этиш;

Инвестиция ва қурилиш статистикаси ахборотларини шакллантириш масалалари бүйіча худудий органлар фаолиятини мувофикалантириш;

инвестиция ва қурилиш статистикаси соҳасида илмий асосланган методологияни жорий этиши соҳасида инвестиция ва қурилиш статистикаси ахборотларини шакллантириш бүйіча қабул килинган услубий хужжатларни амалиётда кўлланишини таъминлаш;

худудий статистика органлари томонидан, инвестиция ва қурилиш статистикаси соҳасига оид давлат статистика кузатувларини ягона статистика методологияси асосида ташкил этиши ишларини мувофикалантириш;

замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиши соҳасида инвестиция ва қурилиш статистика ҳисоботларини электрон шаклда тақдим этиши ва электрон хужжат айланини тизимини жорий килиш ишларини ташкил этиш, бу йўналишда худудий статистика органлари фаолиятини мувофикалантириш;

замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда, инвестиция ва қурилиш статистикаси асосий кўрсаткичларининг такомиллаштирилган маълумотлар базасини юритин.

### **5-боб. Бўлимнинг фаолиятини ташкил этиши**

16. Бўлимнинг иши Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ти конуни, Вазирлар Махкамаси томонидан тасдикланадиган Давлат статистика ишлари дастури, Давлат статистика қўмитаси томонидан тасдикланадиган Давлат статистика ишларини ишлаб чикиш дастури, Хоразм вилоят статистика бошқармаси тўғрисидаги низом, мазкур Низом, Бошкарма бошлигининг бўйруклари ва топширикларига мувофик, шунингдек Бошкарманинг иш режалари, Бўлимнинг иш режалари ва Бўлим ходимларининг функционал вазифалари асосида ташкил этилади.

Бўлимнинг иш режаси Бошкарма бошлиги томонидан тасдикланадиган вилоят статистика бошкармасининг иш режалари асосида шакллантирилади ва бошкарма бошлиги томонидан тасдикланади.

Ходимларнинг функционал вазифалари Бўлим бошлиги томонидан бўлимга юклантан вазифалардан келиб чиқсан ҳолда тайёрланади ва Бошкарма бошлиги томонидан тасдикланади.

### **17. Бўлим бошлиғи:**

Бўлимга бевосита раҳбарликни амалга оширади, ўз ўринбосари, бўлим бошликлари ва мутахассисларнинг ишини ташкил киласди. Бўлимга юклантан вазифа ва функцияларнинг лозим даражада бажарилиши, ижро ва меҳнат интизомининг ҳолати учун шахсан жавоб беради;

Бўлимнинг тасдикланган тузилмаси ва штат жадвалига мувофик лавозимларга тавсия қилинган номзодлар, ходимларнинг қасбий даражаси ва иш малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ва жаёзолаш чоралари бўйича таклифларни пухта ишлаб чиқали ва раҳбариятга кўриб чикиш учун киритади;

Бўлимнинг иш режаси лойиҳасини ишлаб чиқади ва бошкарма бошлиғига тасдиклан учун киритади;

Бўлим ходимлари ўртасида вазифаларни таксимлайди;

Бошкарма йигилишлари ва мажлисларида, шунингдек бошкарма раҳбариятининг топширигига биноан Бўлим тасарруфига кирувчи масалалар бўйича идоралараро инчи турухлар ва ҳайъатлар фаолиятида иштирок этади;

Инвестиция ва қурилиш статистикаси соҳасида норматив ва методологик ҳужжатларни ва давлат статистика кузатувлари шакллари лойиҳаларини ишлаб чиқилишини ташкил киласди;

Бошкарма бошлиги ва унинг ўринбосарларининг инвестиция ва қурилиш статистикасига оид топширикларига мувофик материалларни тайёрлайди, кўйилган вазифаларни янада самарали амалга ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилишини таъминлайди;

Бўлим ишининг самарадорлиги даражасини ошириш ва кадрлар билан тўлдириш чораларини кўради;

Бўлим кадрлари захирасини шакллантириши ва янгилашни, кадрлар захирасига киритилган шахслар билан тизимли ишларни ташкил қилишини таъминлайди;

Бўлим ходимлари билан юлатилган вазифалар, кирувчи ҳужжатларни назорат килиш ва тажриба алмашини масалалари юзасидан йўрикнома бериш бўйича йигилишлар ўтказади;

иш юритишини олиб бориш, топширикларни ўз вактида ижро этилишини қатъий назорат килиш бўйича ишларни ташкил қиласди, ходимлар томонидан хизмат ҳужжатлари билан ишлаш ва уларни саклаш бўйича ишларнинг белгиланган тартибига амал қилинишини таъминлайди.

18. Бўлим бошлиғи вактингчалик бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Бўлим бошлиғи ўринбосари бажаради.

#### 19. Бўлим бошлиғи ўринбосари:

мутахассислар томонидан маълумотнома, тахлилий, статистик ва бошка материалларни, шунингдек ҳудудий статистика органлари билан ишлаш бўлимга юкланган масалалар бўйича конун ҳужжатлари ва бошқа норматив-хуқукий ҳужжатлар лойихаларини сифатли ва ўз вактида тайёрланишини ташкил қиласди;

бириклирилган муайян худуд бўйича давлат статистика ҳисоботларини белгиланган муддатларда сифатли тақдим этилишини назорат қилиш, олинган маълумотларни тахлия қилиш, улар асосида жамланма маълумотлар жадвалларини шакллантириш, асосий статистик кўрсаткичларни хисоблаш ишларини амалга ошириш ва фойдаланиш учун тайёрланиш;

инвестиция ва қурилиш статистикаси бўйича олинган статистик маълумотлар асосида турли тахлилий шархлар тайёрлаш;

инвестиция ва қурилиш статистикаси бўйича статистик кузатувларнинг электрон маълумотлар базаси сакланишини ва асосий статистик кўрсаткичлар бўйича динамик каторлар юритишишини назорат қилиш;

инвестиция ва қурилиш статистикаси бўйича статистика методологияси ва инструментарийларини тайёрлаш ва такомиллаштириш жараёнида иштирок этиш;

статистик маълумотларни шархлаш, статистик кузатув шаклларини тўлдириш масалалари, маълумотларни йигиш ва қайта ишлаш услублари, статистик ҳисоб-китоблар ўтказини, олинган маълумотларнинг ишончлилигини экспертизадан ўтказиш бўйича маслаҳатлар берип;

инвестиция ва қурилиш статистикаси маълумотларини йигини, қайта ишлани, саклаш ва тақдим этиш бўйича дастурй таъминотларни ишлаб чикиш ва такомиллаштириш учун техник топширикларни тайёрлаша иштирок этиш;

инвестиция ва қурилиш статистикаси бўйича Давлат статистика ишлари дастурда белгиланган ишлар ҳажмини баҳолаш учун зарур бўлган материалларни тайёрлаш;

вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади;

бўлим бошлиғи бўлмаган вактда унинг вазифаларини бажариш.

#### 20. Бўлим бош мутахассиси:

функционал вазифаларига мувофиқ материаллар, таклифлар ва ҳужжатлар лойихаларининг сифатли, ишончли ва ўз вактида тайёрланиши учун шахсан жавоб беради;

илмий журналлар, халкаро ташкилотларнинг методологик нашрлари ва Интернет тармогидаги материалларни ўрганиши асосида статистика соҳасидаги илгор хорижий тажрибани ривожлантириш ва статистика амалиётига жорий этиш бўйича тақлифлар тайёрлайди;

бириклирилган муайян худуд бўйича давлат статистика ҳисоботлари белгиланган муддатларда сифатли тақдим этилишини назорат қилиш, олинган маълумотларни тахлия қилиш ва жамланма маълумотларни тайёрлаш;

инвестиция ва қурилиш статистикаси бўйича ҳисоботларнинг электрон маълумотлар базасида сакланишини таъминлаш ва асосий статистик кўрсаткичлар бўйича динамик каторларни юритиши ишларини амалга ошириш;

инвестиция ва қурилиш статистикаси бўйича Давлат статистика ишлари дастурда белгиланган ишлар ҳажмини баҳолаш учун зарур бўлган материалларни тайёрлаш;

инвестиция ва қурилиш статистикаси бўйича статистика ўслубияти ва инструментарийларини тайёрлаш ва такомиллаштириш жараёнида иштирок этиш;

статистик кузатув шаклларини түлдириш масалалари, маълумотларни йигиш ва кайта ишлаш услублари, статистик хисоб-китоблар ўтказини, олинган маълумотларнинг ишончлилигини экспертизадан ўтказиш бўйича маслаҳатлар бериш;

статистик маълумотларни йигиш, кайта ишлаш, саклаш ва тақдим этиш бўйича дастурий таъминотларни синовдан ўтказиш;

статистик тўпламлар, маърузалар, тезкор ахборотлар учун ҳамда фойдаланувчилардан келган сўровлар учун зарур бўлган маълумотларни тайёрлани.

бўлим бошлигининг топширигига мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини, шу жумладан электрон шаклдаги мурожаатларни, кўриб чикиш учун зарур материалларни тайёрлайди, уларда кўрсатилган масалаларни ҳал килиш бўйича лойиҳани тайёрлайди;

раҳбариятнинг топширикларига мувофиқ жорий ишларни бажаради;

вазифалар таҳсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

## 21. Бўлим етакчи мутахассиси:

бириклирлган муайян ҳудуд бўйича давлат статистика хисоботлари белгиланган муддатларда сифатли тақдим этилишини назорат қилип, олинган маълумотларни таҳлил қилиш ва жамланма маълумотларни тайёрлаш;

инвестиция ва қурилиш статистикаси бўйича хисоботларнинг электрон маълумотлар базасида сақланишини таъминлаш ва асосий статистик кўрсаткичлар бўйича динамик категорияни юритиш ишларида иштирок этиш;

инвестиция ва қурилиш статистикаси бўйича Давлат статистика ишлари дастурида белгиланган ишлар ҳажмини баҳолаш учун зарур бўлган материалларни тайёрланда иштирок этиш;

инвестиция ва қурилиш статистикаси бўйича статистика методологияси ва инструментарийларини тайёрлаш ва такомиллаштириш жарабоюнида иштирок этиш;

статистик кузатув шаклларини түлдириш масалалари, маълумотларни йигини ва кайта ишлаш услублари, статистик хисоб-китоблар ўтказиш, олинган маълумотларнинг ишончлилигини экспертизадан ўтказиш бўйича маслаҳатлар бериш;

статистик маълумотларни йигиш, қайта ишлаш, саклаш ва тақдим этиш бўйича дастурий таъминотларни синовдан ўтказишда иштирок этиш;

раҳбариятнинг топширикларига мувофиқ жорий ишларни бажаради;

вазифалар таҳсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

Бошкарма бошлиғининг  
биринчи ўринбосари

Бўлим бошлиғи

Бошкарма хуқуқшуноси

 А.Ўтамуратов

 Ш.Бабажанов

 У.Бектурдиев